



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 26 апрель, шанба, №45 (3546).

**КИМГА ВА ҚАЕРГА
МУРОЖААТ
ҚИЛИШ МУМКИН?**

3-бет

**“САЙРАМ”
НОМИНИ РЕЙХСТАГ
ДЕВОРИГА
ЁЗИБ ҚОЛДИРГАН**

4-бет

**КЕЛЕСДА ЎТГАН
АДАБИЙ ШОДИЁНА**

8-бет



Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ: АССАМБЛЕЯ БИРЛИК ВА ТЕНГЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНДИ

Астана шаҳридаги Тинчлик ва тотувлик саройида Қозоғистон халқи Ассамблеяси Кенгашининг “Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги: натижалар ва истиқболли вазифалар” мавзuidaги кенгайтирилган йиғилиши ўтди.



Тадбирда Қозоғистон Республикаси Президентининг ички сиёсат ва алоқалар бўйича Ёрдамчиси Арман Қирқбаев, Қозоғистон Республикаси Парламенти депутатлари, Қозоғистон халқи Ассамблеяси Кенгаши аъзолари, республика этномаданият бирлашмалари, ҚР жамоат тузилмалари раҳбарлари ва аъзолари иштирок этди.

Ассамблеянинг мамлакатимизда бирдамлик ва тотувлиқни мустақамлашдаги ўрни, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришлар жараёнида аҳамияти таъкидланди.

Ассамблеянинг 30 йиллиги доирасида амалга оширилаётган ишлари сарҳисоб қилиниб, ташкilotнинг фаолиятида кенг жамоатчилик иштирок этаётгани қайд этилди.

Кенгаш иштирокчилари Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йил давомида умуммиллий бирлик ва тотувлиқни мустақамлашга қўшган ҳиссаси, жамиятда бирлик, адолатпарварлик ва тенглик тамойилларини илгари суриш муҳимлигини алоҳида таъкидладилар.

Кенгашда Қозоғистон халқи Ассамблеяси фаолиятининг истиқболли йўналишлари, этномаданият бирлашмалари, шунингдек, Оқсоқоллар ва Оналар Кенгашлари ҳамда ҚХАнинг хайрия фаолиятини кенгайтириш, этномедиа институти ва Ассамблеянинг илимий-таҳлилий фаолиятини ривожлантириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

– Бугунги учрашув алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Бу йил Қозоғистон халқи Ассамблеяси ташкил этилганига 30 йил тўлди. Барчангизни табриклайман! Бу барча қозоғистонликлар учун муҳим воқеа. Ассамблея бу даврда жамиятда барқарорлик ва тотувлиқни мустақамлашга бекиёс ҳисса қўшди ва юртимиздаги бирлик ва тенглик, барқарорлик ва тинчлик тимсолига айланди. У миллатлараро муносабатлар соҳасида ўзига хос бекиёс давлат тармоғи сифатида эътироф этилди. Бу билан Қозоғистонда тинчлик ва тотувлиқнинг ўзига хос шакли дунёга келди. Ассамблея тарихи мамлакатимиз эгаменлиги йилномалари билан чамбарчас боғлиқ. Хабарингиз бор, ташкилот 1995 йилда Қозоғистоннинг Тўнғич Президенти Нурсултан Назарбаев ташаббуси билан ташкил этилган. Бу ташаббус Қозоғистон давлатчилиги шаклланаётган мураккаб бир даврда чуқур сиёсий аҳамиятга эга бўлди, – деди Давлат раҳбари.

Президент Ассамблеяга 2007 йилда конституциявий мақом берилгани, мазкур ташкилот миллий бирдамлиқни мустақамлашнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланганини таъкидлади.

– Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли Ассамблея фаолияти янгича ижодий тус олди. Сенатнинг беш нафар аъзоси Ассамблея Кенгаши тавсиясига кўра Президент томонидан тайинланади. Бу қадам барча этник гуруҳлар манфаатларини қонунчилик даражасида ҳимоя қилиш имкониятларини сезиларли даражада оширди. Бундан ташқари, Қозоғистон парламентаризми тарихида илк бор “Ягона давлат – ягона манфаат” деб номланган палаталараро депутатлар гуруҳи тузилди. Бу гуруҳ ижтимоий тотувлиқни мустақамлаш масалалари билан шуғулланади. Эндиликда барча давлат идоралари Ассамблея фаолиятида иштирок этмоқда. Вазирликлар, вилоятлар ҳокимликлари ва барча даражадаги маслахатлардан тортиб қишлоқлар ҳокимликларигача ҳеч ким четда қолмади, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.



Президент ўтган йили Ассамблея томонидан барча минтақаларда 15 мингдан зиёд тадбир ташкил этилганини таъкидлади.

– ҚХА аъзолари ҳар куни стратегик жиҳатдан самарали, кенг қўламли ишларни амалга оширмоқда. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида Ассамблея томонидан барча минтақаларда ташкил этилган 15 мингдан зиёд тадбирда 1 миллионга яқин киши иштирок этди. Ўтган йилги баҳорги сув тошқинларида фуқароларимиз жабрланганларга ёрдам қўлини қўзиш орқали ҳамжиҳатликнинг ажойиб намунасини кўрсатди. Ассамблеянинг “Юракдан – юракка” лойиҳаси доирасида 12 мингдан ортиқ қўнгиллирлар бирлашди. Улар инсонпарварлик ёрдами тўплашди ва вайрон бўлган уйларни тиклашда иштирок этишди, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари мамлакат бирлигини мустақамлаш алоҳида стратегик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

– Ассамблея минтақалардаги ишларни жонлантириши керак. Ўтган йили мамлакатимизнинг маънавий, тарихий ва маданий маркази Туркистон шаҳрида янги “Дўстлик уйи” фойдаланишга топширилди. Энди шундай “Дўстлик уйи”ни аҳоли зич жойлашган Алмати вилоятида барпо этиш керак. Бу бино вилоят ижтимоий ҳаёти учун жуда муҳим марказ бўлади. Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган Қўрдай, Уйғур, Сайрам, Панфилов ва бошқа туманларда “Дўстлик уйи” очилиши керак. Мен бу ташаббусни қўллаб-қувватлайман, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари ижтимоий тотувлик инфратузилмасини босқичма-босқич кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

– Барча минтақалардаги Дўстлик уйларини фуқароларимиз, керак бўлса, хорижлик меҳмонлар ташриф буюрадиган сайёҳлик йўналишлар харитасига киритиш зарур. Ваколатли идоралар раҳбарлари ва ҳокимлар Ассамблеянинг этномедиа соҳасидаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватласин, – деди Президент.

Президент, шунингдек, этник театрлар фестивалини ўтказишни таклиф қилди.

– “Бирлигимиз – ранг-барангликда” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда маданият ва санъат

салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш муҳим. Александр Пушкин, Тарас Шевченко, Федор Достоевский, Михаил Шолохов ва бошқа сиймолар музейлари Қозоғистон маданиятининг бебаҳо хазинасини тўлдиради. Астана ва Алмати шаҳарларида кўргазмалар ташкил этиш, бу музейларни аҳолига янада қулайроқ қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Айрим этномаданият бирлашмаларида ноб санъат ва этнографик шахсий коллекциялар тўпланган. Бу ҳам мамлакатимизнинг маданий меросига айланиши даркор. Қозоғистонда 9та рус драма театри муваффақиятли фаолият юритмоқда. Шунингдек, уйғур, корейс, ўзбек, немис каби тўртта ноб этник театрлар томошабинлар эътиборини жалб этмоқда. Ассамблеянинг 30 йиллиги доирасида Алматида барчани бирлаштириб, Қозоғистон этник гуруҳлари театр санъати фестивалини ўтказишимиз мумкин, – деди Қ. Тўқаев.

Президент Наталья Дубс томонидан кўтарилган театр ва маданият соҳаси учун техник мутахассислар тайёрлаш масаласини ҳам ўринли деб баҳолади.

– Ушбу ташаббусни ўрганиб, уни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш зарур, – деди Давлат раҳбари.

Президент яхши қўшничилик муносабатлари халқларимиз фаровонлигига хизмат қилишини таъкидлади.

– Биз қўшни давлатлар билан дўстликни мустақамлашга алоҳида аҳамият қаратамиз. Россия Қозоғистоннинг асосий стратегик ҳамкори ва ишончли иттифоқчиси ҳисобланади. Хитой билан ҳамкорлик ҳам чуқур илдишларга эга. Хитой халқи ҳеч қачон қозоқ халқига зарар етказмаган ва бундан кейин ҳам етказмайди. Олатов тоғларида истиқомат қилувчи қирғиз халқи бизнинг қондошимиз. Қадимий Каспий денгизи соҳилларини баҳам кўрган Озарбайжонга нисбатан ҳам бизда самимий туйғулар бисёр.

Бир сўз билан айтганда, биз барча қўшни давлатлар билан биродарлик алоқаларини давом эттирамиз. Орамизда ҳал қилинмаган муаммо-

лар йўқ. Қозоғистон ва Россия бошиданоқ ўзаро келишувга кўра қитъадаги энг узун қуруқлик чегарасини белгилаб олишди. Яқинда Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон кўп йиллардан бери ҳал этилмаган чегара масаласида муштарак келишувга эришди. Айтишимиз мумкинки, тарихий шартнома имзоланди, биз буни катта ютуқ деб баҳолаймиз. Биз доимо қўллаб-қувватлаб келган қардош давлатлардан хурсандимиз.

Бугунги нотинч замонда ҳамжиҳатлик ва бирдамлик, шубҳасиз, алоҳида қадрий касб этади. Тинчлик ва барқарорлик тақдир бизга инъом этган тўхфа эмас. Улар ҳамжиҳатлигимиз, тинимсиз сазй-ҳаракатларимиз самарасидир. Халқимизнинг энг яхши фазилатлари, айниқса, оғир мусибат тушган дамларда яққол намоён бўлади. Бунга ўтган йили Ақтау яқинида самолёт ҳалокатга учраганида яна бир бор амин бўлган эдик. Фуқароларимиз жабрланганларга ёрдам беришга шошилишди, улар қон топириш учун навбатда туришди, Озарбайжон элчихонасига гул қўйдилар.

Халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, фидойилигига бутун дунё қойил қолди. Ўшанда юртдошларимизнинг қалб саховати, очикқўнгиллиги, меҳрибонлиги яна бир қарра яққол намоён бўлди.

Меҳрибонлик, раҳм-шафқат, хайрихоҳлик миллий ўзлигимизга хос хусусиятлардандир. Биз бу қадриятларни асраб-авайлашимиз ва уларни ёш авлодга етказишимиз керак, – деди у.

Президент Қозоғистон тақдир тақозоси билан хорижда туғилиб ўсган қозоқларнинг ҳам тарихий ватани эканлигини таъкидлади.

– Мамлакатимиздан ташқарида истиқомат қилувчи қозоқларнинг аксарияти она тилини билади, аجدодларининг урф-одатларига риоя қилади. Мамлакат бирлиги, энг аввало, бутун қозоқларнинг бирлигидир. Иккинчидан, мамлакат бирлиги бу муқаддас қозоқ заминида истиқомат қилувчи барча этник гуруҳларнинг бирлигидир. Биз буни доимо ёдда тутишимиз керак. Бир пайтлар Қозоғистонга миллионлаб одамлар кўчириб олиб келинган. Қозоқлар уларнинг ҳеч бирини бегона санамай, биродардек қабул қилганлар. Уларнинг миллионлаб авлодлари ҳозир Қозоғистоннинг тўлақонли, масъулиятли фуқаролари. Улар давлатимиз тараққиётга улкан ҳисса қўшиб, юрт равнақи йўлида хизмат қилмоқда.

Қозоқ халқи Мустиқилликка эришгач, юртдошларимиз ўз заминига қайтиш имконига эга бўлди. Қозоғистондан ҳам кўплаб одамлар ўз тарихий ватанларига қайтишди. 4 миллионга яқин юртдошимиз Германия, Польша, Исроилга кўчиб кетди. Уларнинг аксарияти қозоқ халқининг меҳр ва ғамхўрлигини унутмайди. Улар ўз уйлари устига Қозоғистон байроғини осиб, бу билан мамлакатимизга меҳрини намоён этиб турибди.

Улар қозоқ тилида гаплашишди, қозоқ кўшиқларини ижро этади, қозоқ урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қилади, ҳар йили Наврўз байрамини нишонлайди. Айтишимиз мумкинки, Қозоғистоннинг барча фуқаролари, хорижда яшаётган барча ватандошларимиз ягона катта оиладир, – деди Давлат раҳбари.

Президент бугунги Қозоғистонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиш, улардан тегишли хулосалар чиқариш муҳимлигини таъкидлади.

Албатта, мамлакатимизда фуқаролар бир-бирини ёки минбарда сўзлаётган одамни “бу тилда гапир” деб мажбурламаслиги керак.

(Давоми 2-бетда). ➔

Қасим-Жўмарт ТҰҚАЕВ: АССАМБЛЕЯ БИРЛИК ВА ТЕНГЛИК, БАРҚАРОРЛИК ВА ТИНЧЛИК ТИМСОЛИГА АЙЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тил масаласини байроқ қилиб олиб, жамиятда низо келтириб чиқаришга, мамлакат ичидаги вазиятни кескин-лаштиришга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тўсиқ қўйилади ва қонун доирасида жазоланади. Шу билан бирга, гап нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам муайян ташилотларнинг буюртмаси ва пулини олиб, бузғунчилик ҳаракатларини амалга ошираётган фитначилар ҳақида бормоқда.

Ўтган йили Миллий курултойда ҳам-жиҳатлик, ватанпарварлик, мустақил-лик, тотувлик давлатимизнинг асосий қадрияти эканини алоҳида таъкидла-гандим. Ҳаммаси шу қадриятлардан бошланади. Шу боис, шу ўринда яна бир бор такрор айтмоқчиман: халқи-миз тинчлигини бузиш, юрт ичига раҳ-на солишни мақсад қилганлар қонун

доирасида қатъий жавобгарликка тор-тилиб, тегишли жазосини оладилар. Бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳ-камлашга ҳисса қўшган фуқаролар эса доимо эъзозда бўлади.

Гуруч ва курмакни, холис танқид ва асоссиз айбловларни, оғир бот-майдиган таъналар ва жирканч ҳақо-ратларни ажрата билиш муҳимдир. Қонун олдида барча тенгдир. Шунинг учун ҳам биз мамлакатимизда миллат-лараро тотувлик ва тинчликка путур етказувчи ҳар қандай иғвогарликлар-нинг олдини олдик ва бундан кейин ҳам қатъий чора кўрамиз. Ўзини сўз эркинлиги тарафдори сифатида кўр-сатмоқчи бўлган айрим инсон ҳуқуқла-ри ташилотлари вакиллари, блогер-лар, журналистлар мамлакатимизда содир бўлаётган ҳар бир воқеага сиёсий ва салбий сабаблар излаб, ҳа-қиқатда фитна уюштирмоқда.

Бу Қозоғистондан хорижга кетиб,

фуқароларимизнинг халқимизга ҳужум қилиб, у ерда пул олиб, халқимизга ҳужумлар уюштираётган, ҳатто дав-лат идораларимизга босим ўтказишга уринаётган собиқ Қозоғистон фуқаро-ларига ҳам тегишли. Улар хориждаги фитна уюштирувчилар маблағлари эвазига фаолият юритаётгани сир эмас. Чет элликлар буни демократия дейишади. Ваҳоланки, бировнинг пули билан демократияни ўрнатиб бўлмай-ди. Мамлакатимиз фаровонлиги, жум-ладан, демократия, сўз эркинлиги учун хорижда ҳеч жон қуйдирмайди. Буни аниқ тушуниш муҳимдир.

Яқинда хорижий нодавлат ташки-лотларнинг кирдикорлари фош этил-ди. Шунда уларнинг ғаразли ниятлари, Қозоғистонга раҳм-шафқатсизлиги аён бўлди. Баъзи таниқли грант соҳиб-ларининг ҳам ножўза ҳаракатлари маъ-лум бўлди. Қозоғистонда муаммо йўқ, дейишдан йироқмиз. Албатта, бошқа

давлатлар каби бизда ҳам ўз муам-моларимиз мавжуд. Лекин биз уларни бошқаларнинг таълимоти ёки услуби билан эмас, балки миллий манфаат-ларимиз, қонунчилигимиз доирасида ҳал қиламиз. Ишончим комилки, хал-қимизнинг мутлақ кўпчилиги ва нияти пок халқро ҳамкорларимиз ҳаракат-ларимиздаги манتيқий асосларини тўғри тушунишади. Мафкуравий низо-лар бизнинг дунёқарашимизга мутлақо ёт. Анъана ва қадриятларимиз, ўзли-гимиз ва турмуш тарзимиз халқимизни ягона тарихий, маданий ва сиёсий ҳамжамият сифатида бирлаштириб, унинг яхлитлигини мустаҳкамлайди.

Мовий паспортимиз миллий ўзлиги-мизнинг яққол тимсолига айланди. Ҳар йили паспортимизнинг нуфузи ортиб бормоқда. Бу халқро ҳамжамиятнинг бизга қизиқиши ортиб бораётгани-дан, мамлакатимиз таъсири кучайиб бораётганидан далолат. Ҳар бир

қитъанинг турли мамлакатлар фуқаро-лари доимий яшаш ёки дам олиш учун мамлакатимизни тобора кўпроқ танла-моқда. Бу тасодиф эмас. Қозоғистон нуфузли халқро рейтингларда хавф-сизлик кўрсаткичи бўйича атрофимиз-даги деярли барча мамлакатлардан олдинда. Қонун устуворлигидаги “Ин-тизом ва хавфсизлик” кўрсаткичига кў-ра эса 142 давлат орасида 43-ўринни эгаллади, – деди Юртбоши.

Тадбир нихоясида Президент ҚҲА-нинг 30 йиллиги доирасида давлат мукофотларини топширди.

Президент Фармони билан халқлар ўртасидаги тинчлик, дўстлик ва ҳам-корликни мустаҳкамлашдаги хизмат-лари учун бир гуруҳ фуқаролар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Akorda.kz маълумотлари асосида.



ЭЛ ОРАЛАБ ЮРИБМИЗ...

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев маҳал-лий ўзини-ўзи бошқариш тизимининг имкон қадар ривожланишига, маслаҳатларнинг кучли ижтимоий институтга айланишига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўтган йили барча даражадаги маслаҳатлар депутатла-рининг II республика анжуманида Давлат раҳбари ушбу идораларнинг минтақаларда-ги иқтисодий сиёсатга таъсирини ошириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Бу борада вилоят маслаҳатининг депутатлари сайловчиларининг талаб-истакларини тинглаб, аҳолининг мурожаатларини нафақат ҳокимликка етказиш, балки муҳим масалаларнинг ҳал қили-нишда ёрдам кўрсатмоқда. Масалан, 2024 йили вилоят маслаҳатининг 6-сессияси ўтказилиб, турли соҳаларга тегишли муҳим масалаларни соzлайдиган 89та қарор қабул қилинди. Одам-ларни ташвишга солаётган масалалар юзасидан маҳаллий ижро идораларига 502та депутатлик савол йўлланди.

Вилоят бошқармаларининг фаолиятини теран ўрганиш учун вилоят маслаҳати раиси Н. Аби-шовнинг қарори билан махсус ишчи гуруҳи таш-кил этилиб, барча шаҳар, туманлардаги муаммо-лар билан жойида танишиш анъанага айланди. Сайёр жамоат қабуллари ўтказилиб, сайловчи депутатга эмас, мандат олган одам сайловчилар-нинг ҳузурига ўзи боради. Кўпчилик билан мунта-зам равишда учрашувлар ўтказилмоқда, ҳар бир депутат маслаҳатда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш йўллари баён этади. “AMANAT” пар-тиясидан сайланган вилоят маслаҳати депутати сифатида шахсан мен бевосита ҳал қилган бир-икки масалага тўхталсам.

Туркистон минтақасининг шарафини ҳимоя қилиб юрган футбол жамоаларининг сонини қис-қартириб, сифатини оширишга доир кенг қўламли йиғин ўтказиб, маъруза қилдим.

Қўксаёқ аҳоли манзилидаги 3-сонли махсус ижтимоий хизматлар кўрсатиш марказининг муҳим масаласини депутат сифатида кўтарган эдик. Икки корпусдан иборат бино кўп йиллардан буён таъмирланмаганлиги туфайли тўзиб битган. Ногиронларга ижтимоий хизматлар кўрсатилади-ган кабинетларгина эмас, балки ҳаммом ҳамда кир ювиш хоналарида ҳам шароитлар ночор эди. Бир ой муқаддам вилоят ҳокими Нуралхан Қўше-ровнинг Тўлебий туманида аҳоли билан ўтган ҳи-соботида ушбу масала қўтарилди. Минтақа раҳ-бари ушбу масалани ҳал этиш, тўла таъмирлаш учун бюджетдан маблағ ажратилишига ваъда берган эди. Мана, яқинда минтақа раҳбари Ну-ралхан Ўралбайули кўпчилиكنинг олдида берган шу ваъданинг уддасидан чиқиб, тўла таъмирлаш-га зарур маблағ ажратиладиган бўлди.

Ғалимжан ЕЛШИБАЙ,
вилоят маслаҳати депутати.

Туркистон шаҳридаги “Фароб” ку-тубхонасида Миллий китоб кунига ба-ғишланган тадбирлари юқори савияда уюштирилди.

Байрам дастурининг ажойиб қисми – «Оммавий китоб ўқиш» флэшмобидир. Ушбу шаклдаги тадбирда 500дан зиёд китобхон иштирок этди. Ташкил этилган кенг қўламли ҳаракатда мактаб ўқувчилари, талаба ёш-лар, шунингдек, “Ўлттық Ұлан” ҳарбий қисми аскарлари фаол иштирок этишди.

Флэшмобда иштирокчилар қозоқ адабиё-ти дурдоналаридан парчалар ўқиб, турли жанрдаги китоблар билан танишишди. Ушбу ташаббус – ёш авлод қалбида китобга меҳр уйғотишнинг ёрқин намунаси бўлиб, ўқувчи-лар ва ҳарбий хизматчилар ўртасидаги маъ-навий алоқаларни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

“Оммавий китоб ўқиш” тадбири китобни тарғиб қилиш орқали миллат келажагига хизмат қилишга ўзига хос даъватдир.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МИЛЛИЙ КИТОБ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ



»» 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кун

МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ШАРТ



Сўзоқ тумани ҳокимлигининг маж-лислар залида ҚР Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллигининг Туркистон ви-лоятдаги вакили Наталья Қўжабекова иштирокида “Меҳнатни муҳофаза қи-лиш тизимидаги асосий мойилликлар ва истиқболлари” мавзусида давра суҳ-бати ўтди.

Тадбирни туман ҳокимининг ўринбоса-ри Серик Маманов олиб борди. ҚР Инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллиги мутасадди-си Наталья Сунгатқизи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир амалдаги қонунчиликка тўхталиб, жа-миятдаги вазиятларга эътибор қаратди.

Шунингдек, “Қызмет” давлат банки маассасалари ва жамоат бирлашмаси-нинг Туркистон вилояти, Сўзоқ тумани филиали раиси Минжасар Асқаров фуқа-роларнинг “Меҳнат кодекс”ида белгилан-ган ҳуқуқларига тўхталди.

Тадбирда иштирок этган корхоналар вакиллари, ўз навбатида, инсон ҳуқуқ-ларини ҳимоя қилиш юзасидан амалга оширилаётган профилактик тадбирлар ҳақида баён қилиб, меҳнат хавфсизлиги-ни таъминлашга доир тажрибалари билан ўртоқлашди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ КУРАШ ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИБОРИДА

Вилоятимизда Марокаш чи-гирткаларига қарши кураш авжи-да. Соҳа мутахассислари махсус техникалар ёрдамида белгилан-ган жойларда зарарсизлантириш ишларини олиб боришмоқда.

Бугунги кунда вилоят маслаҳати депутатлари мутасадди идоралар билан биргаликда кимёвий ишлов бериш тадбирларини назорат қи-лишмоқда. Хусусан, пудратчи таш-килот томонидан зараркунандалар-га қарши курашда махсус транспорт воситалари ҳамда 250дан зиёд ҳай-довчилар жалб қилинди. Назорат қилувчи ташилотлар билан бирга 1000дан зиёд киши бу ишларга жалб қилинган. Депутат Тўрегелди Қалмуратов махсус янги техноло-гияни тавсия қилди.

Ҳозирги кунда Марокаш зарарку-нандаларига қарши кураш доимий равишда олиб боришмоқда. Само-лёт ёрдамида дорилаш ишлари давом этмоқда. Бугунги кунга қадар ишларнинг 70-80 фоизи яъни, 171,5 минг гектар майдон дориланди.



Бундан ташқари, 200дан зиёд тех-ника, транспорт воситалари ва мах-сус пуркагич ускуналари сафарбар этилган.

Таъкидлаш жоизки, вилоят 65 шўъбага бўлинган, шу жумладан, асосий ўчоқлар сифатида – Сарии-ғоч, Келес тумани ва Арис шахри белгиланган.

Вилоят маслаҳати.

САРИОҒОЧ: РЕЖАЛАР ПУХТАЛАНДИ

Сариоғоч туман маданият уйида жамоат кенгаши раи-си Уалихан Рахиев раисли-гида ўтган мажлисда туман ҳокими Арман Абдуллаев маъруза қилди.

У Сариоғоч тумани ижти-моий-иқтисодий тараққиёти-нинг асосий йўналишларига тўхталди, 2024 йили бажарил-ган тизимли ишларнинг нати-жасини баён қилиб, 2025 йилга мўлжалланган режалари билан ўртоқлашди. Ҳар бир соҳада ижобий юқсалиш шаклланиб, баъзи кўрсаткичлар бўйича ви-лоятда олдинги қаторга чиққан-лиги қайд этилди.

Нотиқ ҳар бир соҳадаги ютуқларга алоҳида тўхталиб, аҳоли манзилларида бажарил-ган ишларга ургу берди. Арман Абдуллаев жамоат кенгашининг янги аъзоларига келгуси иш-ларида муваффақият тилади. Кенгаш аъзолари томонидан



қишлоқ хўжалиги, ижтимоий соҳага доир саволлар берил-ди. Туман ҳокими масалалар юзасидан масъул раҳбарларга топириқлар берди.

Сариоғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

“САЙРАМ” НОМИНИ РЕЙХСТАГ ДЕВОРИГА ЁЗИБ ҚОЛДИРГАН

Уруш даҳшатларини кўрган, авлодлар келажаги учун қон кечган, жонажон Ватанни кўкси билан ҳимоя қилган ота-боболаримиз жасорати асло унутилмайдди. Ғалабанинг 80 йиллиги арафасида УВУ қатнашчиси, сайрамлик устоз Йўлдош Эргашевнинг жанговар ҳаётини ёдга оламиз.

И. Эргашев 1943 йил февраль ойида 17 ёшида армия сафига қақирилди. У 9 ой Қирғизистонда мерганлар тайёрлаш мактабида таҳсил олди. 1943 йил декабрь ойида Ғарбий фронт майдонида жангга кириди. У 9-танкчилар корпуси сафидаги 23-танкчилар бригадасининг десантчилар ротасида Белоруссиянинг Гомель шаҳридан Берлингача бўлган жанговар йўлни босиб ўтади. Тиш-тирноғигача қуролланган немис-фашистларини Бобруйск, Слуцк, Минск, Барановичи, Слоним ва Брест шаҳарларини озод қилишда қатнашади. 1944 йил ёз ойида оёғидан оғир жароҳатланади, кўп ўтмай навбатдаги қақшатқич жангларда иштирок этди.

1945 йил қиш ойларида Польша ерларида бўлинма командири, сўнг взвод командири ўринбосари бўлиб, ўнлаб шаҳар ва қишлоқларни фашистлардан озод этишда қатнашади. У кўп остидагиларга жуда талабчан бўлиб, сўнгги йилларда рота комсомолларининг етакчиси бўлиб, шу йили партия аъзолигига ҳам қабул қилинган эди. Й. Эргашев қуролдош дўстлари билан мардона ҳужум қилиб, фашизмнинг уяси бўлган Берлинни ишғол қилишда ҳам фаол қатнашган ва Рейхстаг деворига “Сайрам. Эргашев”, деб дастхат қолдирган қаҳрамонлардан бири.



Жанг майдонларидаги жасорати учун Йўлдош Эргашев “Қизил Юлдуз” ордени, “Жасорати учун” медали ва қатор жанговар мукофотлар билан тақдирланади.

1950 йил ёзда она қишлоғига қайтган жангчи, ўқитувчилик фаолиятини давом эттиради. Устоз ўқувчиларга жанг лавҳаларидан сўзлаб бераркан, Ғалабага эришиш йўлидаги заҳматларнинг ўта оғир бўлганлиги кўз олдида гавдаланарди.

...Қаҳратон қишда Польшанинг Варта дарёси ва шу номдаги шаҳарни душмандан озод қилишдаги оғир жангларни у бот-бот эсларди. Чунки Эргашевнинг автоматчилар бўлинмаси 9-танкчилар корпусининг бир неча танклари билан ҳужум қилишарди. Душман осонликча чекинмас, йўл ва кўприкларга мина қўйиб портлатарди. Жангчилар қуршовда қолган учта танкни қутқариб қолишда жасорат кўрсатишади. Ана шу жангларда энг яқин сафдошлари ва ҳамқишлоқлари Ватан учун жон фидо қилганлигини эслаб, кўзлари намланарди.

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Бу сўзни 1980 йил 9 май куни 9-танкчилар корпусининг собиқ жангчилари Москвада учрашиб, дийдор кўришганда ҳам эслаб, жанговар дўстлари номини тилга олишди.

Оилапарвар Эргаш ота кўп йиллар маориф соҳасидаги хизматлари учун Қозоғистон Маориф вазирлигининг фахрий ёрлиғи ва “Маориф аълочиси” кўрак нишони билан тақдирланган. Умр йўлдоши, муаллима Ҳамро ая билан Шўрат, Тўлқин, Учқун ва Алишерларни тарбиялаб, неваралар суйди. Бугунги кунда раҳматли Эргашовлар оиласини педагоглар сулоласи десак, янглишмаймиз. Ўғиллари, келинлари, набира келинларининг кўпчилиги таълим соҳасида фаолият юритишади.

Пиру бадавлат устоз ҳамюртларининг ҳам эътирофини қозонди, у Ғалабанинг 60 йиллиги арафасида қуролдош дўстларига мактуб йўллаб, тўпланган ҳужжатлар асосида жангчиларнинг номларини абадилаштириш мақсадида тарихчи олим Мираҳмад Мирхолдорев билан



ҳамкорликда “Сайрамлик жангчилар” рисола-сини нашрдан чиқарди. Рисолага 80га яқин уруш қатнашчилари ҳақидаги маълумотлар киритилди.

Қишлоғимиздан қирчиллама ёшида урушга кетиб, омон-эсон қайтиш насиб этмаганлар қанча. Урушда иштирок этган бир ярим мингдан зиёд Сайрамнинг асл фарзандлари сафида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари – Зиёмат Ҳусанов, Бўтабой Содиковларнинг ҳам борлигидан фахрланамиз. Жангчиларнинг ҳар бири ҳақида дostonлар ёзилса арзийди. Биз мазийга қайтиб, ҳамюртларимизнинг қаҳрамона ўтмишини хотирлаш билан келажак авлодда ватанпарварлик туйғуси, мардлик, олижаноблик хислатларини шакллантирамиз. Биргина суронли йиллар тўғрисида хотиранинг ўзи урушнинг сийрати нақадар аянчли эканлигидан сабоқ беришда давом этаверади. Зеро, инсоният учун қилинган эзгу иш, холис кураш, ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайдди!

Қаҳрамонимиз Йўлдош Эргашев 2013 йил 2 июнь куни 87 ёшида оламдан ўтди. Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

М. УСМОНОВА.

УРУШ ФАХРИЙСИ ЭРГАШ ҲАБИБОВ

Буюк Ғалабага ҳисса қўшган довурак жангчи Эргаш Ҳабибов (таъвирда) 1921 йили Қарноқ қишлоғида туғилган. Отаси Ҳабиб халфа замонасининг илмли фуқароси бўлган, масжидда болаларга сабоқ берган. 1937 йили мактабни тамомлаб, Тошкент шаҳридаги ишчи факультетида таҳсил олди. 1940 йили ўқишни тамомлаб, қўшни Югнқ қишлоғидаги Калинин номли мактабда ўқитувчи сифатида меҳнат фаолиятини бошлаган. Сўнг Ўранғай қишлоғидаги “Еңбекши дихан” мактабига ўтган. Бу ерда 1942 йилгача меҳнат қилиб, кўнгиллилар қаторида фронтга отланади.



Ватан ҳимояси учун ҳаёт-мамонт жангларда коммунист-жангчи сифатида доимо олдинги сафда бўлди. Немис-босқинчиларига қарши оғир жангларнинг бирида оғир жароҳатланиб, ҳарбий госпиталда даволанади. Довурак жангчи сифатида фронтдаги жасоратлари “Қизил Юлдуз” ордени, “Жасорати учун” каби кўплаб медаллар билан мукофотланган. Урушдан сўнг “Еңбекши дихан” мактабида директор, Туркистон ҳарбий комиссариатида кадрлар бўлими бошлиғи, халқ депутатлари туман кенгашининг умумий бўлим мудури бўлиб ишлади. Қарноқ қишлоғида ташкил этилган каучук ишлаб чиқарувчи тажриба станциясига раҳбарлик қилди. Йўлланма билан Москва шаҳрида малака ошириш курсини тамомлади. Қарноқ қишлоқ матлубот жамиятида раис бўлиб ишлаган. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини зироатшунослик ихтисослиги бўйича тамомлаган. Билими ва ҳаётий тажрибасини қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришга сафарбар этди. Хусусан, “Ленин йўли” жамоа хўжалигига раис этиб тайинланиб, уруш мусибатларини кўрган собиқ жангчи, талабчан ташкилотчи раҳбар сифатида озиқ-овқат дастури ижросига салмоқли ҳисса қўшиб, яхши кўрсаткичларга эришди.

Уч йилда жамоа хўжалигини Туркистон туманидаги пешқадам хўжаликлар қаторига олиб чиқди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш барча соҳалар бўйича 100 фоиздан зиёд, хусусан, чорвачиликда эса икки баравар ортиғи билан бажарилди. Ша-рафли меҳнати муносиб мукофотлар – хўжалик жамоаси вилоят ижроия қўмитасининг “Кўчма Қизил байроғи” билан тақдирланди. Эргаш Ҳабибов юрт раънақи йўлидаги самарали меҳнати билан танилган раҳбар, коммунист сифатида Қозоғистон Республикаси Коммунистик партиясининг XIX съездида делегат этиб сайланди. Жамоат ишларида кўпчиликка ибрат эди. Қишлоқдаги Қорахонийлар қабристонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

1992 йили август ойида вафот этди. Умр йўлдоши Бибиойша ая билан қобил фарзандлар – Ҳидоят, Иззатулла, Даврон. Хурмат, Меҳринсо, Дилбар, Дилдор. Нодирларни тарбиялаб, неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби эди. Қизи Дилдор Ҳабибова Кентов шаҳар маслаҳатининг бир неча қақшиқ депутати этиб сайланган, Қарноқда бир неча болалар боғчаларини барпо этган. Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси унвони билан тақдирланган. Иқтидорли невараларидан Бекзод Даврон ўғли Кентов шаҳар маслаҳатининг фаол депутати, Қарноқ қишлоқ УЭМБ раиси сифатида “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг обунасини ташкил этишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Элини душмандан мардларча ҳимоя қилган, ёш авлод учун ибрат бўлган, урушдан сўнг Қарноқ қишлоғи иқтисодиётини юксалтиришга фидокорона раҳбарлик қилган собиқ жангчи, меҳнатсевар, қатъиятли, адолатли ташкилотчи раис Эргаш Ҳабибовнинг номи қадрдон қишлоғи кўчаларининг бирига берилган.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Улуғ Ватан уруши ўтган йигирманчи асрдаги эмас, балки инсоният тарихидаги энг катта шафқатсиз ва қонли қирғинбарот жанг эди.

Буюк Ғалаба эса улуғ байрам, шодиёна. Албатта, ҳар бир тантананинг ўз ўрни, ўзига хос аҳамияти бўлиши табиий. Бироқ Ғалаба шодиёнасининг ўрни ўзгачалигини қалбан ва руҳан ҳис қилмоғимиз даркор.



2025 йил ўзгача давр. Бу йил Улуғ Ватан урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигини кенг кўламда, улуғвор қиёфада нишонлаймиз. Бу сизу бизнинг умумий тарихимиздаги муҳим, аҳамияти залворли байрам. Қақшатқич, қонли жангларда қаҳрамонлик кўрсатган миллионлаб СССР аскарлари сафида қозоғистонликлар ҳам мардонавор жангларда жон олиб, жон беришди, қонли тўқнашувларда жасурлик намуналарини намойён этишди. Бауржан Мўмишули айтгандай, қозоқ эли, барча қозоғистонликлар фашизмга қарши қонли жангларда қаҳрамонликнинг ҳақиқий қирраларини кўрсата олишди.

Жанубий Қозоғистон вилоятидан Улуғ Ватан урушига 140 мингдан зиёд одам отланган бўлса, уларнинг деярли ярмиси киндик қони томган юртга қайтиб келмади. Вилоятимиздан жангоҳларда қон кечган, жон олиб, жон берган 51 нафар жангчиға Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвони берилган. Саккиз аскар “Шўхрат” орденининг соҳибига айланган.

Шунингдек, Сайрам туманидан тўрт нафар жасур жангчи – В. Вишневецкий, З. Ҳусанов, Т. Рустамов ва Б. Содиковлар ҳам Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига ноил бўлиб, улуғланишди. Қорабўлоқ қишлоғидан икки мингга яқин йигит урушга отланган бўлса, ярмиси оила бағрига қайтиб келмади. Ҳам-қишлоғимиз Тоштемир Рустамов Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлганини юқорида айтиб ўтдик.

Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги доирасида қатор кечалар, тадбирлар, уруш фахрийларига таъзим, уларнинг жангоҳлардаги кўрсатган қаҳрамонликларини ёдга олиб, ҳурмат кўрсатиш, бугунги дориломон ҳаётимиз ўша катта авлод вакилларининг жасорати туфай-

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ



ли эканлигини ёш авлодга тарғибот ва ташвиқот қилиш ватанпарварлик тарбиянинг ўзагидир.

Қозоғистон халқи Ассамблеясининг аъзоси, Сайрам туман маслаҳатининг депутаты Мухиддин Сиддиқов раҳбарлик қилаётган 100-сонли умумий ўрта мактабнинг ҳовлисида қишлоғимиздаги УВУ фахрийларининг фарзандлари, неваралари, ёшлар иштирокида “Фахрийлар истироҳат боғи” очилди.

Байрамона тадбирда иштирок этган “AMANAT” партияси Сайрам туман

бўлимининг ижроия котиби Қуаниш Сиздиқов, меҳнат фахрийси, Туркистон вилоят Жамоатчилик кенгаши аъзоси Бахтиёр Шомуродов, Сайрам туманининг Фахрий фуқароси Сайдахмад Аҳмедов, Семей полигои фахрийси Абдулла Аҳмедовлар мамлакатимизда осойишталикни таъминлаш, Мустақиллигимиз, тинчлигимизни сақлаш юртимиз фуқароларининг муқаддас бурчи эканлигини таъкидлашди.

100-сонли таълим масканида очилган “Фахрийлар истироҳат боғи” фронтчи ота-боболаримизга ҳурмат рамзи бўлиб, ёшларда ватанпарварлик руҳи, тарбияси шаклланишида дастуриламал бўлади.

Буюк Ғалабанинг 80 йиллик шодиёнаси муборак бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мақсад БЕК.
Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Мен ҳикоя қилмоқчи бўлаётган қаҳрамоним Буюк Ғалабанинг 80 йиллигига ўзининг жасорати ва мардлиги билан ҳисса қўшган қаҳрамонлардан эди.

Бундан 80 йил муқаддам, 1945 йил 9 май куни Совет Армияси зарбалари остида фашистлар Германияси мағлуб бўлди. Рейхстаг устида Ғалаба байроғи мағрур ҳилпиради. Улуғ Ватан уруши Ғалаба билан якунланди.

Вақт бизни Улуғ Ватан урушининг дастлабки кунларидан олислатгани сари Ватан ҳимоячилари ҳақидаги хотира биз учун янада қадрли бўлиб бормоқда.

Менинг қаҳрамоним Ислонкул Юсупов 1919 йил 20 январда сўлим Қорабулоқ қишлоғида таваллуд топди.

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН УМР...

У қишлоқдаги пиру бадавлат хонадон соҳибларидан бири – Юсуф отанинг кенжатоғи эди. Юсуф ота серфарзанд оила сардори бўлиб, 4 ўғил, 3 қизи бўлган. Ислонкул Юсуповнинг акалари Турсункул, Рўзакул ва Аҳмадкул, опалари – Ортиғой, Жаннатой ва Ҳимматойлар аҳил ва меҳнатсевар оилада камолга етдилар. Акаси Турсункул уруш йилларида механизаторлик касбини улуғлаганлиги туфайли фронт ортида хизмат қилди. Акаси Рўзакул урушдан қайтмади, ундан урушда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлиги тўғрисида “қора хат” келди. Аҳмадкул Юсупов эса, урушдан омон-эсон қайтиб, оилали, бола-чақали бўлиб, бахтли ҳаёт кечирди.

Ислонкул Юсуповнинг акалари ҳам Қорабулоқ қишлоғида умргузаронлик қилиб, оила қуриб, бахтли ҳаёт кечириб, халқнинг ҳурматини қозонган ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказдилар.

Ёшлигидан билимга чанқоқ, қизикувчан, меҳнатсевар Ислонкул Юсупов ўрта маълумотни Сайрам қишлоғидаги мактабда олди. Мактабдан кейин Шимкент шаҳридаги ўқитувчилар тайёрлайдиган техникумда таҳсил олди. Ўқишни тугатган ёш мутахассиснинг истеъдодини кўрган илм маскани раҳбарлари, уни ўзи ўқиган даргоҳда ўқитувчиликка ишга қабулладилар.



Унинг ёш авлодга билим беришга бағишланган фаолияти узоққа чўзилмади. 1939 йил 10 октябрда айни куч-қувватга тўлган чоғида Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ учун Сайрам туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилади.

Фашистлар Германияси 1941 йил 22 июнда Ватанимизга хиёнаткорона бостириб кирган пайтда мақоламиз қаҳрамони Ислонкул Юсупов Белоруссия ҳарбий округига қарашли 18-артиллерия полкида тўпчи бўлиб хизмат қилаётган эди. Тарихдан маълумки, фашистлар дастлаб чегарамизни Брест қалъасида буздилар. Брест қалъаси учун бўлган мудофаа жанглирида қаҳрамонимизнинг жанговар дўстлари мислсиз қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Лекин афсус, кучлар тенг эмас эди. Тиш-тирноғигача қоролланган душман армияси бизнинг мудофаамизни ёриб ўтолмай, Брест қалъасини айланиб ўтиб, ичкарига илгариладилар. Брест ҳимоячилари сўнгги қони қолгунча қалъани тарк этмадилар.

Ислонкул Юсупов жанговар бурчини ўтаётган полк Белоруссия Ҳарбий округи таркибиде Брест, Смоленск, Қозон ва Брянск шаҳарларини мудофаа ва озод қилиш учун бўлган жангларда қатнашди.

1942 йил кузида Белоруссия ҳудудларида бўлган жангларда И. Юсупов оғир яраланди. Ҳарбий госпиталда бироз даволангач, умуртқадан оғир жароҳат олганлиги туфайли она юртига даволаниш учун юборилди.

Тақдир тақозоси билан Алмати шаҳридан Шимкентга партия

йўлланмаси билан келган фирқа ходимининг қизи Гавҳар Сулейменова билан танишиб, оила қуради.

1943 йил январь ойида соғлигини тиклаган қаҳрамонимиз яна фронтга отланади. 1943 йилнинг сентябрида Брянск шаҳрини немис-фашист босқинчиларидан озод қилиш учун бўлган қақшатқич жанглардан бирида яна оғир яраланади. Жароҳатнинг жиддийлиги туфайли 1944 йилнинг 10 мартида хизматдан бўшатилди.

Урушдан қайтгач, собиқ жангчи Сайрам туман фирқа қўмитасига инструктор, йуриқчи-услубиятчи сифатида ишга жойлашади. Чунки бу вақтда барча эркаклар фронтга сафарбар этилиб, туман фирқа қўмиталарига Ислонкул Юсупов сингари билимдон, шижоатли кадрлар керак эди. Партия ташкилотиде тобланган, етарли иш тажрибасини тўплаган қаҳрамонимизни Қорабулоқ қишлоқ Кенгашига раислик лавозимига тайинлашди.

У 1956 йилдан 1963 йилга қадар Қорабулоқ қишлоқ Кенгаши раиси вазифасида фаолият юритади.

Ислонкул Юсупов қишлоқ Кенгаши раиси лавозимида фаолият юритганда, эл-юрт фаровонлиги учун амалга оширган ишлари, оддий меҳнаткашлар турмушини фаровонлаштириш

борасидаги хизматлари ҳануз кекса авлод вакиллари ёдида. Раҳматли онам Ислонкул Юсуповнинг оиламизга кўрсатган яхшилигини ўла-ўлгунча эслаб юрди. Воқеа бундай бўлган эди.1956 йил маҳалламиздаги баъзи ғаламислар дадамни кўнчилик билан шуғулланади деб “тепа”га ёлғон чақув уюштирадилар. Ўшанда қишлоқ Кенгаши оиламизни вақтинча Қизилқишлоқ қишлоғига кўчиришга қарор қилади. Онамнинг гапларига қараганда ўша вазиятда Ислонкул Юсупов ўзи бош бўлиб, оиламизнинг кўшни қишлоққа кўчишига улов топиб, ишончли жойдан кўним топишимизга бошқош бўлган экан...

Ислонкул ака 1963 йилдан эътиборан фахрий ҳордиққа чиққунга қадар Қорабулоқ қишлоғидаги 108-УХТБЮ (СПТУ) – ўрта ҳунар-техника билим юртида ўқувчилар ва ўқитувчилар касаба уюшмаси раиси сифатида тўлақонли фаолият юритди. Бу пайтларда касаба уюшмаси ташкилотининг жамиятдаги аҳамияти жуда залворли эди.

Собиқ шўро ҳукумати даврида “Касаба уюшмаси – коммунизм мактаби” шиори мавжуд эди. Чўнқи Касаба уюшмаси барча ташкилотларда ўзининг салмоқли ўрнига эга бўлиб, ўша соҳадаги барча муаммоларни ҳал этарди. Билим юрти ўқув-моддий базасининг кенгайишида, билим юрти талабаларининг халқ ва қишлоқ хўжалиги учун етук касб эгалари бўлиб етиштирилади И. Юсуповнинг хизматлари бекиёс бўлди. Айниқса, билим юрти замонавий ўқув биноси, ётоқхона ва ўқув лабораторияларининг қурилишида хизматлари мисли



қўрилмаган даражада юксак бўлганди.

1979 йилда фахрий ҳордиққа чиққач, то умрининг охиригача, қишлоқ Уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси сифатида самарали хизмат қилди.

Отахоннинг ташкилотчилик, қишлоқ муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишбилармонлик, ёрдамга муҳтожларга кўрсатадиган меҳрибонлик, нотикик каби ижобий хислатлари, айниқса, умрининг сўнгги йилларида Фахрийлар кенгаши раиси сифатидаги фаолиятида яққол намоён бўлди. У қишлоқнинг ижтимоий-маданий, соғлиқни сақлаш, халқ таълими соҳалари ривожига бош-қош бўлар, сиёсий жиҳатдан гапга чечан бўлиб, турли даражадаги йиғилишларда, албатта, қишлоқ равнақи учун зарур бўлган, амалга оширилиши даркор бўлган жиҳатларни раҳбарлар олдига кўндаланг қўя оларди.

Ислонкул Юсупов 2008 йил 7 февралда оламдан ўтди.

Улуғ Ватан урушидаги хизматлари учун 1 даражали “Ватан уруши” ордени, “Жасорати учун”, “Жанговар хизматлари учун” медаллари билан ҳамда 8та юбилей медали билан тақдирланган. Ислонкул Юсупов катта оила соҳиби сифатида умр йўлдоши Гавҳар опа билан 7 ўғил ва 4 қизни тарбиялаб, вояга етказди. Уруш йилларининг охирида ота-онасиз, етим қолган 4 ёшли Тожойни тарбиялаб, ўз фарзандидай вояга етказиб, турмушга берди.

Тўнғич ўғли Меҳмонкул Ислонкуловни нафақат бизнинг ўлкада, балки Ўзбекистонда ҳам таникли ёзувчи, публицист, ҳажвчи, “Табассум” радиожурналининг муҳаррири, Ўзбекистон Республикаси “Дўстлик” орденининг кавалери сифатида яхши билишарди. Кейингилари Эркин, Равшанбек, қизлари Малика, Элмира ўқитувчилик касбини улуғлашди. Тўлқин – полиция зобити, полковник. Муроджон – ҳисобчи, Акбар – автомеханик, Бахтиёр – тадбиркорлик билан машғул бўлишди.

Зулхумор ва Зулқарамлар тиббиёт ҳамширалари. Қаҳрамонимиз ҳаётигида 12 фарзанднинг падари бузруквор, 50 нева, 26 эвара ва 3 чеваранинг сууюкли ва дуоғуй бобожониси эди.

Бу йил Ғалабанинг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда. Орият байроғини баланд кўтариб, ёвга қарши жангга отланган ўғлонларимизнинг мардлиги, элимиз келажаги учун қонини ва жонини аямай жанг майдонида жанг қилганларнинг жасорати асрдан-асрга ўтиб, авлодлар қалбиде яшайверади.

Турсункул РЕЖАМЕТОВ,
фахрий муаллим,
ҚР маориф аълочиси.

P.S. Мен Ислонкул акани эсимни таниганимдан билардим. Чунки у ҳақда бизнинг оилада ёшлигимдан илқ таассуротлар шаклланган эди. 3-сонли Ҳамза номли мактабдаги фаолиятим давомида ҳам Ислонкул Юсупов билан ўқувчилар орасида қизиқарли, унутилмас учрашувлар ўтказилган.

Айниқса, 1984 йили Фурқат номли 42-мактабада директорлик лавозимига тайинланганимдан сўнг ҳамкорлигимиз янада кучайиб кетди. Чунки уруш фахрийсининг хонадони ўқувчиларимиз истиқомат қиладиган даҳада эди.

1984 йилдан то қаҳрамонимиз умрининг поёнига қадар ўтган барча Ғалаба байрамига бағишланган тадбирларда ва бошқа тарбиявий кечаларда қатнашар эди. Бўлиб ўтган бу тадбирлар таассуротлари ҳеч қачон ёдимиздан чиқмайди.

Эълон қилинаётган ушбу расмлар ҳам турли йилларда мактабимизда ўтказилган ўша учрашувлардан эсдалик...

УРУШ ФАХРИЙЛАРИ САРДОРИ ЭДИ

ЁКИ ГВАРДИЯЧИ ПОЛКОВНИК
ОЛИМЖОН МУҲАММАДЖОНОВНИНГ ЁРҚИН ХОТИРАСИ

“Жанубий Қозоғистон” вилоят газетасининг фаол муаллифларидан бири, туркистонлик уруш фахрийлари сардори сифатида собиқ фронтчиларни Буюк Ғалаба билан муборакбод этиб, ёшларни ватанпарварликка даъват этувчи мақолаларни таҳририятга шахсан тақдим этадиган Олимжон Муҳаммаджоновдан порлоқ хотира қолди.



Машъум уруш СССР-дек қудратли, 15та иттифоқдош республикалардан иборат аҳил давлатларнинг жами 20 миллион аҳолисини халок қилганлигини, тинчлик деб аталмиш улуғ неъматни кўз қорачигидек асрашга даъват этарди. Туркистоннинг 1500 йиллигини халқаро миқёсда нишонлашга муносиб ҳисса қўшган, давлат раҳбари Н. Назарбаевнинг таширифи чоғида фахрийлар Расул Исетов, Абжаппар Дайрабаев, шаҳар ҳокимининг ўринбосари Эргаш Диметов билан биргаликда юксак савияда кутиб олганининг хошиди бўлганман. Йиғилишларда фахрий ҳарбий зобитга хос ўқтам овоз билан фикрини аниқ ва раvon ифода этиши билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган.

О. Муҳаммаджонов 1917 йили 25 сентябрда Туркистонда туғилган. Отанадан эрта етим қолган. Собиқ Калинин, ҳозирги Ҳамза номли мактабни тамомлагач, Тошкентда ҳунар-техника мактаби ва техникумни тамомлайди. 1938 йили комсомол йўлланмаси асосида Россиядаги Вольск ҳарбий ҳаво билим юртида ўқийди. Билим юртидан сўнг 58-авиация полки таркибиде 1939-1940 йили финларга қарши жангларда иштирок этади. УВУ бошлангач, биринчи кунлардан Ленинград мудофаасида иштирок этади.

Қамалдаги шаҳарнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон билан узлуксиз таъминланишига хизмат қилади. Шу жасоратлари учун 1942 йили “За оборону Ленинграда” медали билан тақдирланади. О. Муҳаммаджонов Белоруссия, Эстония, Латвия, Литва ҳудудларини немис босқинчиларидан озод этишда мардлик намунасини кўрсатиб, учта “Қизил Юлдуз”, биринчи ва иккинчи даражали иккита “Ватан уруши” орденлари ҳамда 20дан зиёд жанговар медаллар билан тақдирланади. Ҳарбийда чорак аср намунали хизмат қилгач, 1960 йили Туркистон шаҳрига келиб партия ва жамоат ишларига фаол иштирок этади.

Умр йўлдоши Аяжон Абдурашид қизи билан қобил фарзандлар Маматжон, Аҳмаджон, Замир, Гулнораҳларни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг барчаси “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол муштарийлари, хусусан, профессор, халқаро руҳшунослик фанлари академиги, жамоат арбоби Аҳмаджон Олимжон ўғли “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаш жамғармасига раҳбарлик қилган.

Кенжа фарзанди, Тур-

оборону Ленинграда” медали билан тақдирланади. О. Муҳаммаджонов Белоруссия, Эстония, Латвия, Литва ҳудудларини немис босқинчиларидан озод этишда мардлик намунасини кўрсатиб, учта “Қизил Юлдуз”, биринчи ва иккинчи даражали иккита “Ватан уруши” орденлари ҳамда 20дан зиёд жанговар медаллар билан тақдирланади. Ҳарбийда чорак аср намунали хизмат қилгач, 1960 йили Туркистон шаҳрига келиб партия ва жамоат ишларига фаол иштирок этади.

Умр йўлдоши Аяжон Абдурашид қизи билан қобил фарзандлар Маматжон, Аҳмаджон, Замир, Гулнораҳларни тарбиялаб, вояга етказди. Уларнинг барчаси “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол муштарийлари, хусусан, профессор, халқаро руҳшунослик фанлари академиги, жамоат арбоби Аҳмаджон Олимжон ўғли “Жанубий Қозоғистон” газетасини қўллаш жамғармасига раҳбарлик қилган.

Кенжа фарзанди, Тур-

кистон шаҳрининг фахрий фуқароси, шаҳар ҳокимиятида бўлим мудир, сўнгра Ҳамза номли мактабда директор бўлиб, самарали меҳнат қилган Замир Олимжон ўғли эса обунани ташкил қилишда ибратли хизматлари билан танилган. Меҳнат фахрийси О. Муҳаммаджонов Туркистонлик уруш фахрийлари ташкилотини (ҳозирги Туркистон шаҳри ва Саврон тумани биргаликда) ўзига хос қатъий тартиб-интизом билан бошқарди. Бир неча



юз уруш фахрийларидан иборат ушбу ташкилотдаги собиқ фронтчиларнинг оилаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бекиёс ёрдам кўрсатишда хизматлари бисёр. Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси, гвардиячи полковник, уруш фахрийлари сардори Олимжон Муҳаммаджонов 2005 йили 9 май куни 88 ёшида ҳаётдан кўз юмди.

Ортида порлоқ хотира қолдирган туркистонлик уруш фахрийлари сардори Олимжон отанинг охирати обод бўлсин!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: гвардиячи полковник О. Муҳаммаджонов ҚР Тўнғич Президенти Н. Назарбаевни Туркистонга таширифи пайтида муборакбод этмоқда; умр йўлдоши Аяжон Абдурашид қизи, профессор ўғли Аҳмаджон Муҳаммаджонов билан; Олимжон отанинг кенжа ўғли Замир Муҳаммаджонов ва Зокир Бекеновлар обунани ташкил этишда камарбаста.

Муаллиф суратга олган.

Жангги отамни қидириб...

Туркистондан урушга отланган 18547 нафар аскарларнинг бири – менинг отам, Югнак қишлоғида истиқомат қилувчи Абубакир Умаров (тасвирда) эди. 1906 йили туғилган, 1942 йили 18 сентябрда Воронеж вилояти Мокрий қишлоғида жангда ҳалок бўлган. Бу маълумотларни 10 йил муқаддам Буюк Ғалабанинг 70 йиллиги арафасида қидириб топдим.

Туркистондаги ҳарбий комиссариат орқали Москвадаги Россия Мудофаа вазирлиги қошидаги Марказий Ҳарбий архив ва яна қатор ташкилотларга мурожаат қилдим. Ниҳоят, игна билан қудуқ қазिशга қиёс изланишлардан сўнг жангчи А. Умаровнинг киш пайтида жангда ҳалок бўлиб, биродарлик қабристонига дафн этилгани тўғрисидаги маълумотларни топдим. Россиянинг Воронеж вилоятига отланиб, отам дафн этилган биродарлик қабристонини топдим. Худди у билан юзлашганимдек туюлди менга. Қуръон тиловат қилдим. Бир си-

ким тупроқ олиб, падари бузрукворим киндик қони томган қадрдон қишлоғига олиб келдим. Худойи оши тарқатдим.

Отам А. Умаров 104-ўқчи дивизиясида хизмат қилгани хусусидаги маълумотлар “Ўлы Отан соғи” қатъи қатъи қазақстандық жауынгерлердің естелік кітабы”нинг 893-бет 12819-сонли рақами остида қайд этилган. Қишлоғимиздаги кўчаларнинг бирига қадрдон юртимиз озодлиги учун жон фидо қилган падари бузрукворимнинг номини бериш учун ҳам астойдил югуриб, елдим. Менинг расий му-



рожаатларимга вилоятдаги мутасадди ташкилотлардан келган жавобда илтимос амалга ошиши учун отамнинг исм-шарифи таърихӣ шахслар рўйхатиға қиритилиши лозим эканлиги кўрсатилган. Бу жараён қачон амалга ошиши номаълум. Бугунги оёсишта ҳаёт учун жонини фидо қилган барча аскарлар, хусусан, падари бузрукворимнинг охирати обод бўлсин!

Тўлқин АБУБАКИРОВ,
Саврон тумани,
Югнак қишлоғи.

ТАРИХ ИЛМИНИНГ ФИДОЙИСИ



ҚХАнинг 30 йиллиги доирасида ўтказиладиган маданий ва маърифий халқаро тадбирлар рўйхатида киритилган юбилей-га тайёргарлик ишлари бошланди.

Шимкент шаҳридаги Дўстлик уйида “Турон” фанлар академиясининг академиги, профессор, ўлка тарихининг билимдони, журналист, ажойиб устоз ва ватанпарвар инсон Мираҳмад Мирхолдоровнинг 90 йиллигини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзолари иштирокида йиғилиш ўтди.

Ташкилий қўмита раиси, ҚР “Дўстлик” ҳамжамияти раиси И. Ҳошимжонов тарихчи олим М. Мирхолдоровнинг ўлка тарихини ўрганишдаги хизматлари залворли эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, у “Сайрам” тарихий музейининг пойдеворини яратган, шунингдек, ўзининг 40дан зиёд китоблари, долзарб мақолалари, очерклари, лавҳалари билан элнинг эътиборини қозонган шахсдир. Айниқса, унинг Сайрам тарихи, маҳаллий аллома-бузrugларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида яратган асарлари таҳсинга сазовор.



Ташкилий қўмита аъзолари – М. Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети профессори, педагогика фанлари доктори Н. Алметов ва филология факультети катта ўқитувчиси Ҳ. Тожиев, меҳнат фахрийси З. Ҳавазматов, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси З. Мўминжонов, олимнинг фарзандлари Мирёқуб, Мирмуҳсин, Мирқосим, Мирҳамид, Миролим, набираси Мирсултон Мирхолдоровлар юбилейни ўтказишга доир фикр-мулоҳазаларини билдириб, амалий таклифлар киритишди.

Режага мувофиқ, жорий йил октябрь ойида М. Мирхолдоров фаолиятига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилади, шунингдек, унинг танланган асарлари нашр қилиниб, ҳаёти ва фаолияти тўғрисида видеофильм яратилади, умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида ўлка тарихини ўрганиш бўйича танлов уюштирилади.

3. МҲМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК

Сўнгги йилларда Қозоғистон ва Ўзбекистон давлатлари ўртасида гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланмоқда.



Жумладан, икки мамлакатнинг пешқадам олимлари, устоз ва мураббийлари учрашиб, ўзаро тажриба алмашишмоқда.

Яқинда Мухтар Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университети қозоқ тили кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори, Халқаро маданият ва санъат академиясининг акаде-

риф бўйриб, ижод мактабининг фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Учрашув режасига мувофиқ, қозоғистонлик адабиётшунос олим Ё. Мадалиев маҳорат дарси ўтиб, унда бугунги кунда ижодкорларнинг бадиий асар яратишда қандай мавзулар ва ғояларга эътибор қаратиши зарурлиги ҳақида маълумотлар



миги Ёрмуҳаммад Мадалиев ва Фаргона Давлат университети адабиётшунослик кафедраси мудир, филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори Исламжон Маннопов Фаргона шаҳридаги Эркин Воҳидов номли ижод мактабига таш-

берди. Тадбирда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоблар олишди.

3. МҲМИНЖОНОВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

ТУРКИСТОН ШАҲАР ЎЗБЕК ЭТНОМАДАНИЯТ БИРЛАШМАСИ – 35 ЁШДА

1990 йил 16 июнь кун Туркистон темирйўлчилар клубида Туркистон ўзбекларининг илк қурултоғи ўтиб, шаҳар ўзбек маданият маркази таъсис этилди.

Ўзбекистондан атоқли 10 нафар ёзувчилар иштирок этган бу қурултоғда ўзбек марказига раис этиб таниқли болалар шоири, жамоат арбоби ва моҳир ташкилотчи Эрناзар Рўзиметов сайланди. 10 йилга яқин вақт мобайнида бу жамоат ташкилотини самарали бош-

қарган Эрназар Рўзимат ўғли залворли ишларни амалга оширди. Тарихда илк бор Ахмад Яссавий бобомизнинг ҳикматлари «Девони ҳикмат» китоби кирилл алифбосида чоп этилди. Вилотимизда илк бор аския фестивалига асос солинди. Ишлар сарҳисобини узоқ рўйхатга олиш мумкин.

Яқинда Эрназар Рўзимат ўғли хонадонига таширф бўйриб, мулоқотда бўлди, қўлидаги тарихий ҳужжатларни кўриб қувонди. Туркистон шаҳар ЎЭМБни Эрназар

Рўзимат ўғлидан сўнг Шомирза Мадалиев, Дониш Маннотов, Баҳодир Ирисметовлар самарали бошқариб, кўплаб ишлар бошқошида бўлдилар. Бирлашма республикамиздаги фаол ўзбек жамиятларидан бири. Унинг бугунги раҳбари Райимжон Қўчқоров 35 йиллик юбилей доирасида қатор тадбирлар ўтказилишини маълум қилди.

Бу шонли сана, ҳақиқатан ҳам, кенг нишонланиши лозим.

Саид ХАЙРУЛЛОХ.



»» Обуначиларимиз орасида



МУШТАРИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Дилшод Саидов раҳбарлик қилаётган Эски Иқон қишлоғи “Жанубий Қозоғистон” вилот газетасига обун кўрсаткичи бўйича Саврон туманида пешқадам. Иқтисодий жиҳатдан таракқий этган ушбу ҳудуд аҳолисининг аксарияти ўзбеклар. Қишлоқ табиий газ билан таъминланди, бунинг учун давлатимиздан миннатдор. Қишлоқ ҳокимлиги бўлим мудир Турғун Аҳмедов мулоқот чоғида жорий йили пахтакорлар ҳосилни янги усул асосида етиштиришни, обикор деҳқончилик масалаларида муаммолар йўқлигини таъкидлади.



Қишлоқ ветеринария бўлими раҳбари Ҳошим Абдувалиев, “Туркистон-несие” МЧБ насия биродарлиги раиси Камолиддин Камолов, Миртемир номидаги адабиёт музейи ходими Элбек Турсунов обундаги кўрсаткичи давом эттирадиган бўлди.

Мақсуда Мамадалиева раҳ-

бўлими бошлиғи, фаол муштарийимиз Қундуз Бексултонова билан суҳбатда бўлди.

Вилот маслаҳатининг собиқ депутати Муталлиб Йўлдошев (марҳум) бунёд этган, Серик Жумадуллаев раҳбарлик қилаётган кўп соҳали коллеж кутубхона мудираси Элзода Субатова, директор ўринбоса-



ваҳобова, Феруза Набиевалар билан ҳам мулоқотда бўлди. Газетамиз саҳифаларида 50 нусха обунани таъминлаётган ушбу мактаб эришган ютуқлар ҳақида алоҳида ёзамиз.

Совет Иттифоқи Қахрамони С. Раҳимов номли мактабнинг тажрибали директори Зокир

мактаби 50 нусха обунда камарбаста.

Саврон тумани маслаҳати депутати Дилмуҳаммад Ирисбоев бунёд этган, Тожимурод Саидов раҳбарлик қилаётган Янги Иқон мактаби жамоаси кутубхоначи Ойсултон Абдуқодирова саъй-ҳаракатлари



барлик қилаётган Ал Форобий номли умумтаълим мактабида директор ўринбосари Қувониш Нишонбоев, касбий йўналиш ўқитувчиси Комил Йўлдошев, ўқитувчи Ўғлой Холметовлар доимий муштарийларимиз сифатида жамоанинг 65та газета обунасини давом эттиришини айтишди. Вилот марказида ўтадиган танловга отланган ўқувчилар Дилбар Олимжонова, Гулдона Икромқизи, Сўғдиёна Одилова, Интизор Алишероваларга омад тилади.

Маъмурухон Муталлиб ўғли барпо этган, Дилбар Йўлдошева раҳбарлик қилаётган Иқон мактаб-гимназиясида кадрлар

ри Сурайё Иброҳимова ушбу хунар-таълим даргоҳида Саврон тумани миқёсида ишчи касблари йилига бағишланган нуфузли тадбир ўтишини маълум қилишди.

2025 йил – Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги.

Тажрибали директор Фахриддин Нурметов раҳбарлик қилаётган Алия Мўлдагулова номидаги умумтаълим мактаби математика фани туман танлови кубоги соҳиби қаторасига икки йил кетма-кет ушбу соҳада пешқадамликни қўлдан бермаётган илғор жамоа. Директор ўринбосарлари Ботирхон Манников, Нигора Нишонбоева, Нилуфар Абду-

Саидов раҳбарлигида 50 нусха обунани қўллаб-қувватлаётган мактабда директор ўринбосари Ахтамхон Ахтамов, кутубхоначигар Элнора Нишонбоева, Наргиза Норметовалар билан мулоқотда бўлди. Фаол обуначимиз (марҳум) Эйлер Сулейманов раҳбарлигидаги қурилиш ташкилоти барпо этган ушбу мактаб боғида етиштирилаётган сархил мевалардан жамоа ва қишлоқ аҳли баҳраманд. Ям-яшил арча дарахтлари баравж ва соғлом ўсаётган мактаб ҳовлисида файз ўзгача.

Республикадаги 100 пешқадам мактаб қаторидаги, Ҳамида Чолдонова раҳбарлик қилаётган 1-сонли умумтаълим

билан 50 нусха обунани таъминламоқда.

Келаси йили 35 ёшни қарши оладиган “Жанубий Қозоғистон” вилот газетаси таҳририяти номидан обунда фаол барча жамоаларга ташаккурнома тақдим этилди. Газетамиз саҳифаларида эришилган ютуқ, натижа, илғор тажриба узлуксиз чоп этилишини таъкидлаймиз.

Давлатимиз сиёсатини она тилимизда тарғиб қилаётган кадрдон нашр билан доимо ошно бўлинг.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: учрашувдан лавҳалар.

Рўзиохун МАДАЛИЕВ суратга олган.

Табриклимаймиз!

Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғи
Нигора Ирисдавлат қизи АБДУМАВЛОНОВАга!

Шодликларим сизга кетар танамга,
Болам, дея қириб келса хонамга.
Фариштага ўхшар десам аслида,
Фаришталар ўхшар менинг онамга...

Бизни ёруғ дунёга келтирган, қалби
қўридан жой берган, хато қилсак, бар-
часини кечирган, тўғри йўлга бошлаган
маслаҳатгўйимиз, дуоғўйимиз, хона-

донимизнинг оҳанрабоси, қуёш-у ойи,
ҳаётимиздаги бебаҳо бойлигимиз, қалби
дарё меҳрибонимиз – Онаимизнинг тавал-
луд айёми билан табриклимаймиз! Илоҳим,
падари бузрукворимиз билан биз – фар-
зандларингизнинг камолини қўраверинг.
Невараларингиз ардоғида бўлинг!

Табрикловчилар:
САРВАР, МУСТАФО, МУҲАММАД.



Қозоғистон халқи Ассамблеясининг 30 йиллиги
доирасида Келес туманидаги А. Кенжеев номи-
даги Маданият уйида ҳокимлик ва марказий
кутубхонанинг ташаббуси билан таниқли
муаллима, бир қанча китоблар муал-
лифи Робия Дўстонованинг ижодий
фаолияти ҳамда “Олтин бешик” ва
“Ҳамроз” китобларининг тақдироти-
га бағишланган “Икки элга ярашган
қўшиқ” мавзuida маданий-маърифий
тадбир ўтди.



Келесда ўтган адабий шодиёна

Дарҳақиқат, Р. Дўстонова қизгин ижодий фаолияти билан элга танилган ижодкор. Қисқа вақтда унинг “Улан – сўзнинг подшоҳи”, “Дўстлик боғи”, “Қучоғимга сиғдираман оламни” каби муаллифлик ва таржима китоблари нашр қилиниб, жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Жумладан, яқинда нашрдан чиққан “Олтин бешик” тўплами Қозоғистон Ёзувчилар ва бахши-жировлар уюшмалари аъзоси, Қозоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Тўлеужан Ғумаровнинг таржима қилинган асарлари, Ўзбекистон Республикасининг “Ватандошлар” жамоат жамғармаси ҳомийлигида чоп этилган “Ҳамроз” китобида эса муаллифнинг шеърлари, долзарб мавзудаги публицистик мақолалари ва бадиалари жамланган.



Тадбир аввалида “AMANAT” партиясининг Келес тумани филиали ижроия котиби Ерлан Ахметов таниқли устоз ва таржимон Р. Дўстонованинг ижодий фаолиятига юксак баҳо бериб, унга туман ҳокими Жаңибек Ағибаевнинг ташаккурномасини тақдим этди. “Ижодкор” бирлашмаси раиси Зокиржон Мўминжонов, Шимкент шаҳар

ЎЭМБ раиси ўринбосари Аббос Шомирзаевлар устозни табриклаб, эсдалик совғаларини топширдилар. Шундан сўнг сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ёшлар билан ишлаш бўлими мудириси Маъмура Зоҳидова мазкур уюшма раиси Сирожиiddин Саидовнинг Р. Дўстоновага йўллаган табригини ўқиб эшит-

тирди ва Алишер Навоийнинг беш жилдли “Хамса” китобини совға қилди.

Қозоқ ва ўзбек адабий алоқаларини мустаҳкамлашдаги самарали хизматлари учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси етакчи мутахассиси Наргиза Асадова ҚХАнинг “Дўстлик” медалли билан тақдирланди, уюшманинг қозоқ адабиёти бўлими раҳбари Турсунали Аҳмедовнинг кифтига зарбоф тўн ёпилди. Ўзбекистонлик меҳмонлар М. Зоҳидова, Т. Аҳмедов, Н. Асадова ва журналист Сабоҳат Саид Ризо “Дўстлик” ҳамжамиятининг ташаккурномалари билан тақдирландилар.

Ушбу ҳамжамият раисининг ўринбосари Нурхон Дўсматова, Келес туман ЎЭМБ раиси С. Тожиаҳмедов, таниқли ижодкорлар Абдурауф Абдуғафоров, Баҳодир Оташ, Комилжон Солибеков, Победа Абдизимова, Тошбуви Йўлдошева, Нурхон Аюб қизи, Гулиосиё Ҳасанова, Шарофат Тожиева, “Чимкент” адабий уюшмасининг раҳбари Эркиной Султонова, Ж. Ташенов номидаги университетнинг катта ўқитувчиси Озодаҳон Мусаева, Қозоғистон

Ёзувчилари уюшмаси аъзоси, Тўқаш Бердияров номидаги адабиёт ва санъат бирлашмасининг раиси Бердали Рисбек, Т. Бегманова номли мактаб директорининг ўринбосари Муҳаммадқали Абдиевлар ҳам шоира-таржимон Робия Қамчибек қизига самимий тилақларини изҳор қилишди. Тадбирда иштирок этган Т. Бегманова номли мактаб ўқувчилари Р. Дўстонованинг шеърларидан ўқиб беришди. Туман Маданият уйи хонандалари ижросидаги қўшиқ ва рақслар даврага файз киритди. Бахтли оила бекаси Робия Қамчибек қизи турмуш ўртоғи Бахтиёр билан икки ўғил ва бир қиз – Жонибек, Ёркинбек ва Комилахонларни тарбиялаб, вояга етказишган. Бугунги кунда улар 12та набиранинг суюкли буви ва буваларидир.

Келес туманида уюштирилган адабий шодиёна “Кимизхана” тамаддиҳонасида ёзилган тўкин дастурхон атрофида поёнига етди.

З. АҲМАДЖОНОВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

СИРИУС – ЁРҚИН ЮЛДУЗ!

Яқинда Сайрам тумани, Қорабулоқ қишлоғидаги «Sirius» хусусий мактабида Буюк Ғалабанинг 80 йиллигига бағишлаб ўқувчилар орасида вилоят миқёсида волейбол турнири ўтказилди.



Беллашув ўтказишдан мақсад – соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ўқувчиларда спортга қизиқишни орттириш эди.

Вилоят турнирида Сайрам, Тўлебей ва Тулкибош туманларидан қизлар волейбол жамоалари иштирок этишди. Мусобақани Сайрам туман маслаҳатининг депутаты М. Сиддиқов, 4-сонли мактаб-гимназия директори У. Боялиев ҳамда «Sirius» хусусий мактаби директори С. Эгамбердиев очиб, иштирокчиларга Буюк Ғалабанинг 80 йиллиги, унинг ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида тушунча берди. Устозлар байрам билан қизгин табриклаб, ўқувчиларга юқори натижаларга эришишларини тиладилар.

Турнирга 4-сонли мактаб-гимназиясининг жисмоний тарбия мураббийи Х. Холтоев ҳомийлик қилди.

Ғолиблар диплом ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

Вохдайт

“КИ ҲАР КИМ АЁН ЭТСА ЯХШИ ҚИЛИҚ, ЕТАР ЯХШИЛИҚДИН АНГА ЯХШИЛИҚ”.
Алишер НАВОЙИ.

(Маъноси: “яхши қилққ кўрсатганларнинг ўзларига яхшилик етади”).

● КИМКИ БИРОР ЯХШИЛИК-КА ЙЎЛ КЎРСАТСА (ВОСИТА БЎЛСА), ЎША ЯХШИЛИКНИ ҚИЛГАНЛИК САВОБИНИ ОЛАДИ.

МУҲАММАД алайҳиссалом.

● ҲАР ИШНИНГ БИР ШАРАФИ БОР, ЯХШИЛИКНИНГ ШАРАФИ УНИНГ ТЕЗРОҚ ҚИЛИНИШИДИР.

Ҳазрати УМАР.

● ИККИ НАРСАНИ УНУТ: ҚИЛГАН ЯХШИЛИГИНГ ВА КЎРГАН ЁМОНЛИГИНГНИ.

Луқмони ҲАКИМ.

● ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ОДАМИНГНИНГ ХЎЖАЙИНИСАН; ЯХШИЛИК КЎРГАН ОДАМИНГНИНГ ХИЗМАТЧИСИ.

Ҳазрати АЛИ.

● ЯХШЛИГИНГИЗГА ИШОНТИРИШНИ ХОҲЛАСАНГИЗ, ЯХШЛИГИНГИЗДАН СЎЗ ОЧМАНГ.

ПАСКАЛЬ.

Халқнинг оғзидаги нонини тортиб оладиганлар оммага қаноатдан ваъз айтадилар...

Бўққунча овқат ейдиганлар очларга буюк келажакдаги гузал кунларни ваъда этадилар.

Бертольд БРЕХТ.

Агар одамлар биз ҳақимизда қанчалар кам ўйлашларини билганимизда эди, уларнинг нима деб ўйлашларига ортқ аҳамият бермай қўйган бўлардик.

Гёте.

Бир нарсa истамоқчи бўлсанг, инсондан истама!
Зеро, берса, миннатдир, бермаса, зиллат(хорлик)дир!
Аллоҳдан истагин, берса, неъматдир, бермаса, ҳикматдир...

Жалолиддин РУМИЙ.

● Аввал ўз устингдан ғалаба қил, ундан кейин – душманларинг устиндан. Ҳукми-ни ўзига ўтказа олмаган, ўзгаларга қандай ўтказадим?

● Бировнинг аёли олдида кўр бўлган, бировнинг бойлигини қувийишда шол бўлган, яқинлари тўғрисида ғийбат эшитганда лол бўлган киши буюқдир.

● Давлатнинг тинчлиги – одилликда.

● Дўстни сақлаш учун кечирешни ҳам билиш лозим.

● Жаҳли тез ҳақиқатни ҳеч қачон била олмайди.

● Агар бахтсизлик келтирадиган бўлса, ҳақиқатни ҳам айтмаслик керак.

● Агар бир киши жанада мингта кишини енгаса, бошқаси эса, фақат ёлғиз ўзини енган бўлса, кейинги кишини зўр ғолиб деб ҳисобламақ жоиз.

● Агар оқил бўлсанг, ҳукмдорга, бойга, ёш болага, кексага, зоҳидга, донишмандга, аёлга, нодонга ва устозга қарши гапирма.

● Агар фарзанд ота юзидан ғамни кўрмаса, демак, у сўқир.

»» Табобат

ТОМИР ТОРТИШНИ ТАБИЙ УСУЛДА ДАВОЛАШНИ БИЛАСИЗМИ?

ЛИМОН ШАРБАТИ. Томир тортишадиган соҳа эрталаб ва кечкурун лимон шарбати билан яхшилаб артилади ва қурилади. Қуригандан сўнг, оёқ кийим кийиш мумкин. Бу муолажа 14 кун давомида ҳар куни бажарилади. Натижаси тезда билинади.

ЛАВР БАРГИДАН тайёрланган ёғли эритма томир тортишини жуда яхши даволайди. Бунинг учун 50 гр лавр баргини 250 мл ўсимлик ёғига солиб, 12 кунга олиб қўйлади ва томир тортишадиган соҳага суртилади. Ушбу муолажа кунига 1 маҳал бажарилади.

БИЛАСИЗМИ?

Сиз кунига атиги 4та хурмо истеъмол қилиб иммунитет, суякларни мустаҳкамлаш ва қон босимини мўътадиллаштиришга эришасиз.

Шунингдек, хурмо овқат ҳазм қилишни яхшилайди, темир даражасини оширади, юрак соғлигини яхшилайди ва аллергияни енгиллаштиради!

Хурмо паразитларни ҳам йўқ қилади.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22
Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71
Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VPY00022503 гувоҳнома берилган.

“ERNUR-print” МЧБ босмахонасида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуқов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
+7778-618-39-05.

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65446.

Адади – 11400 нуска.

Буюртма 938.

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.